

Журнал Тошкент вилояти халқ
таълими ходимларини қайта
тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш институти наши.

Журнал Сурхондарё вилояти
халқ таълими ходимларини қайта
тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш институти билан
ҳамкорликда нашр этилмоқда.

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№11, 2018

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ / НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Хошимов П.З., Орипов М.А. Буюк Британия таълим тизимини бошқариш хусусиятлари

ОЛИЙ ТАЪЛИМ / ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Қаюмова Н.А. Олий таълим муассасалари талабаларини илмий тадқиқот ишига йўналтириш
муаммолари ва уларнинг ечимлари

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ / ДИСТАНЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Рахимов З.Т. Таълимнинг мобиллашуви шароитида масофавий ўқитиш технологиясининг
узлуксиз ривожланиши

ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ / ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ

Абдураҳмонова З.А. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда соғлом тафаккурни ривожлантиришнинг
ижтимоий зарурати ва назарий-амалий имкониятлари

Солиева Ҳ.О. «Бебош бола» синдроми ёхуд нега болалар асабийлашади?

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ / ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ

Абдуллаева О.С. Методика проведения констатирующего эксперимента по выявлению
условий эффективности процесса подготовки к педагогической деятельности студентов
по направлению «Профессиональное образование»

Туракулова О.А. Адабий таълим жараёнда мутолаа маданиятини ташхис этиш ва
коррекциялашда замонавий ёндашув

МАКТАБ ТАЪЛИМИ / ШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Маматқуловая К.А. Мактаб ўқувчиларида физика фанига оид компетенцияларни
ривожлантиришда синфдан ташқари машғулотларнинг аҳамияти

Норбўтаев Х.Б. Бошланғич синфларда фанлараро экологик тарбия

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ / ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Абдуллаева Н.Ш. Ҳамкорлик педагогикаси асосида болаларни мактаб таълимига сифатли
тайёрлашда вариатив таълимнинг аҳамияти

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ

«Замонавий таълим» («Современное образование») журнали Ўзбекистон Республикаси Олий атtestация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 марта даги 214/2-сонли қарори билан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ва 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича).

Журнал «Замонавий таълим» («Современное образование») постановлением Президиума ВАК Республики Узбекистан от 20 марта 2015 года № 214/2 включён в перечень научных изданий, рекомендованных для публикации основных научных результатов докторских диссертаций (по 13.00.00 – ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ и 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ).

Туракулова Окила Амиркуловна,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети «Ахборот ва замонавий педагогик технологиялар» кафедраси ўқитувчиши

АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ТАШХИС ЭТИШ ВА КОРРЕКЦИЯЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

**ТУРАКУЛОВА О.А. АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ
ТАШХИС ЭТИШ ВА КОРРЕКЦИЯЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ**

Мақолада ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ташхис этиш ҳамда уни ифодали ўқиш, машқ ва тренинглар каби замонавий усулларни қўллаш йўли билан коррекциялаш ва ривожлантириш масалалари ёритилган. Шунингдек, мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг тизимли тасвифи келтирилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: китоб, мутолаа маданияти, ифодали ўқиш, шарҳлаш, бадий таҳлил, машқлар, тренинглар, савол ва топшириқлар, мустақил мутолаа, замонавий ёндашув.

**ТУРАКУЛОВА О.А. СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД К ДИАГНОСТИКЕ И КОРРЕКЦИИ
КУЛЬТУРЫ ЧТЕНИЯ В ПРОЦЕССЕ ЛИТЕРАТУРНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

В статье раскрываются вопросы диагностики культуры чтения учащихся, её коррекции и развития путём применения таких современных методов как выразительное чтение, упражнения и тренинги. Также приводится систематизированная классификация развития культуры чтения.

Ключевые слова и понятия: книга, культура чтения, выразительное чтение, интерпретация, художественный анализ, упражнения, тренинги, вопросы и задания, самостоятельное чтение, современный подход.

**TURAKULOVA O.A. MODERN APPROACH TO DIAGNOSTICS AND CORRECTION
OF CULTURE OF READING IN THE PROCESS OF LITERARY EDUCATION**

In the article the issues of students' reading culture diagnostics, these correction and development by implementing of such modern methods as an expressive reading, exercises and training are lightened. The systematized classification of reading culture development is also provided.

Keywords: book, culture of reading, expressive reading, interpretation, artistic analysis, exercises, training, questions and tasks, independent reading, modern approach.

Бугунги кунда мамлакатимизда «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналишиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтириш, хусусан, ҳалқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онг-тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, она Ватани ва ҳалқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини ривожлантиришда янгича бир замонавий ёндашув асосида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамиятда мутолаа маданиятининг таркиб топиши, шаклланиши ва ривожланишида ҳам умумий маданият, яъни ўқувчи-ёшларнинг ялпи ижтимоий, иқтисодий, маънавий тайёргарлик даражасининг ўрни ва роли бекиёсdir.

Мутолаа маданияти ўз навбатида, китобга қизиқиш, ўқувчиларнинг адабиётлар билан кенгроқ танишиш рафбати, китоб ва у билан ишлаш ҳақидаги маҳсус билимларга эга бўлиш, шунингдек, ахборот манбаларидан тўлиқ фойдаланишда кўникма ва малакага эга бўлишни тақозо этади. Мутолаа маданияти кишининг манбани тўлақонли тушуниши, ундан эстетик завқ олиши, муаллиф фикри ва ғоясини англаши ҳамда уни баҳолай олиши каби хусусиятларга эга бўлишини таъминлайди. Китобни танлаш, уни тез ўқиш, авайлаб сақлаш, шахсий кутубхона ташкил этиш, ўқилган китобларни бошқаларга тавсия эта олиш ҳам мутолаа маданиятига киради. Демак, мутолаа маданияти инсонни бевосита амалиётга киришиш, ҳаёт билан уйгунлашиш, маънавий фойда олишга йўналтиради¹.

Бугунги шиддатли ва мураккаб глобаллашув даврида юзага келаётган мафкуравий хатарлар ва таҳдидларга қарши курашиш китобхонлик маданиятини янада юксалти-

риш, айниқса, болалар ва ёшларни китобга ошно қилиш, кутубхоналарда мутолааси рафбатлантириш каби қатор долзарб масалалар ечими билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Ф-4789-сон фармойиши ана шу эзгу ишларни янада юксак босқичга кўтаришга қаратилинганилиги билан ғоятда аҳамиятлидир.

Республикамизда мутолаа маданиятини мутолаа технологияси, даражаси ва интенсивлиги асосида шакллантиришга доир бўлиш, қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, социология фанлари доктори А.А.Умаров² «Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли», Д.Фаниева³ «Ўқув жараёнида кутубхоначи ва ўқув фанлари ўқитувчиларининг ҳамкорлиги⁴ номзоди илмий-тадқиқот ишларида мутолаа маданиятининг муҳим таркибий жиҳатлари ундишиҳтиёрийлик, таълим олишда онглилик, саллият турининг эрkin танлаш, ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжи тамойиллари бўлиб, бу замонавий ёндашув ўқув шахсини шакллантиришда муҳим омил бўлихизмат қилиши таъкидланган⁴.

Бугунги кунда адабий таълим жараёнида ўқувчиларда мутолаа маданиятининг ривожлантиришни таъминлашадиган мутолааси таркиби таъминлашадиган мутолаанинг роли.

² Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. / Ижт. фан. доктори дисс. – Т., 2008. – 240-241-б.

³ Фаниева Д. Ўқув жараёнида кутубхоначи ва ўқув фанлари ўқитувчиларининг ҳамкорлиги. / Педагогика илмий-методик асослари. / Педагогика илмий-тадқиқот номзоди дисс. - Т.: Педагогика илмий-тадқиқот институти, 1997. 218-6.

⁴ Хусанбоева Қ.П. Ўзбек адабиётини таълими дар тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактаба ўқитишиниң илмий-методик асослари. / Педагогика илмий-тадқиқот номзоди дисс. - Т.: Педагогика илмий-тадқиқот институти, 1997. 218-6.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Ф-4789-сон фармойиши.

ланганлигини замонавий ёндашув асосида ташхис этиш, коррекциялаш муҳим аҳамиятга эга. Бадий асарларни ўқиб-ўрганиш самарадорлиги, уларни бадий идрок этиш, таҳлил қилиш, ташхислаш, асосан, амалий машғулотларда, тажриба-синов ишлари билан боғлиқ тарзда олиб борилиши мутолаа маданиятининг негизидир.

Мутолаа маданиятини ташхислаш – бу ўқувчиларда мутолаа кўникма ва малакаларининг шаклланганлигини аниқлаш, назорат қилиш, воқеликнинг кейинги ривожини таҳмин қилиш, демакдир.

Адабий таълим жараёнида бадий асарларни ўқиб-ўрганиш самарадорлиги, уларни бадий идрок этиш асосан амалий машғулотлар билан боғлиқ олиб борилади.

Адабий таълим жараёнида китоб мутоласи, мутолаа маданиятини ташхис этиш ва коррекциялаш юзасидан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети академик лицейи, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти академик лицейи ва Қарши давлат университети академик лицейида тажриба-синов ишлари олиб борилди. Бу ўрганиш билан 165 ўқувчи қамраб олинган. Натижада адабий таълим жараёнини тил таълими билан интеграциялаш асосида қўйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш лозимлиги аниқланди:

– бадий асардаги матн ўқилиб, дастлабки савол-жавоблардан сўнг мужассам топшириклар бажарилиши, шунингдек, қайта ҳикоя қилишга ўтилган дарслар натижасида нутқ ўстиришнинг қайси жиҳатлари таъминланиши;

– матн ўқилиб, нотаниш сўзлар тушунтирилгач, матн мазмуни қайта ҳикоя қилдирилган дарслар натижасида ёзма ва оғзаки нутқ ўстиришнинг қайси жиҳатлари таъминланиши.

Мутолаа асосида ўқувчилар нутқини ўстириш бўйича олиб борилган тажриба-синов ишларида ифодали ва тез ўқиш, асар матни устида ишлаш яхши самара беради. Сўз ва сўз шакллари грамматик воситалар талаффузи ва имлосини ўзлаштириш, ўқувчининг сўз бойлигини ошириш ва бу бойликни фаоллаштиришга, гап тузиш, матн яратиш малакасини ривожлантиришга қаратилади.

Коррекция – лотинча «correctus» сўзидан олинган бўлиб, тузатиш, тўғрилаш маъноларини билдиради. Мутолаанинг ниҳоятда катта таълимий ва тарбиявий роли айни ана шу самарали шароитлар туфайлигина юзага чиқади. У ўкув предмети сифатида ўқувчилар нутқининг такомилида, болаларнинг китобхонлик маданиятининг юксалишида, китобни тўлиқ бадий идрок этиш қобилиятининг шаклланиши ва ривожида беқиёс аҳамиятга молик. Маълумки, бадий асарларни идрок этиш ундаги образлар тизимини англаш ва қабул қилишга бориб тақалади. Мутолаани коррекциялашда тренинглар, семинарлар муҳим аҳамиятга эга.

Бунда ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги ҳал қилювчи омилдир. Ана шу омил ишга тўлиқ тушсагина, ўқувчи шахсида ғоявий, ахлоқий-маънавий, эстетик ривожланиш содир бўлади. Ундаги тасаввур имконлари кенгайиб, ижодий ҳамкорлик қобилияти камол топади, айни пайтда ифодали ўқиш, фикрни оғзаки ва ёзма баён эта олиш кўникма ва малакалари, истедод ва қобилиялари шаклланади.

Методист олим Қ. Йўлдошев бадий асарни ўқишининг уч асосий методини тавсия этади:

- ижодий идрок этиш (таҳлил қилиш, ижодий ўқиш, изланиш);
- таҳлил этиш, талқин қилиш;
- синтезлаш, бирлаштириш¹.

Бадий асар ўқиши ҳақидаги ўз талқинларини давом эттириб, олим ижодий ўқишига алоҳида урғу беради. Бундан ташқари, ифодали ва шарҳли ўқиш, ўқитувчи ва ўқувчининг сўзи, ўқувчилар билан суҳбат, бадий асар ва ҳаётий кузатишлар асосида топширикларни муҳокама қилиш, савол ва режалар тузиш мутолаа маданиятини ташхислашда асосий омилдир. Ижодий ўқиш методи адабиёт фани учун янгилик эмас. Адабиёт дарсларида ижодий ўқиш, ифодали ўқиш, актёрларнинг пъесалардан айрим саҳналарни ўқишига тез-тез мурожаат этиб турилади. Янгилиги, ўқувчиларни ифодали ўқишига ўргатиш, ўқитувчининг бадий матнни шарҳлаб ўргатиши (изоҳи ўқиш) ҳамда уларнинг асарнинг чуқурроқ

¹ Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишининг илмий-методик асослари. / Педагогика фан. доктори дисс. – Т., 1997. –256-6.

эмоционал идрок этишини таъминлаши назарда тутилади

Методист олима М.Мирқосимова кўрсатиб ўтганидай: »Адабий таҳлил шеър ёки насрй асарни ифодали ўқишдан бошланади». Ўқиш давомида ижодкор яратган тафаккур тизими англаради, ўзлаштирилади, муҳокама қилинади, китобхон кўз ўнгида яратилган поэтик манзарани яратиша шоир ёки ёзувчи қўллаган тасвирий воситаларга сиртдан аҳамият берилмайди, асосий эътибор ўқиш жараёнида мазмун, образнинг ички маъноларига жалб этилади. Аммо таҳлил жараёнида ана шу маъноларни ифода этишга сафарбар қилинган барча воситалар ўрганилади¹.

Бадий асарнинг синфда таъсиран қилиб бадий ўқилиши ўқувчиларни ҳеч қачон лоқайд қолдирмаслиги, уларнинг руҳиятига кириб бориб, ижобий таассурот ҳосил қилиши, бу эса асарга қизиқиши кучайтириши кўплаб тажрибалар билан далилланган. Хусусан, синфда бадий ифода билан ўқилган асарлар ўқувчилар эътиборини ўзига тортишдан ташқари, санъаткорлик билан ўқиётган устозга эҳтиром ҳиссини тарбиялайди, уларнинг ҳар бирида асарни худди шундай ўқишига ҳавас уйғотади.

Методист олима Р.Ниёзметова ўқувчиларга ўқитувчи берадиган изоҳ ва шарҳлар ҳақида гапириб, ўқувчидан унинг шахсий, кўпинча тушунтириб бўлмайдиган ҳолатлари, баъзида эса «ғалати» саволларидан келиб чиқиш лозимлигини уқтиради².

Шарҳлаб ўрганиш нотаниш сўз ва сўз бирикмалари, ибора ва мураккаб танбеҳлар, тарихий жой номлари ҳамда баъзи адабий қаҳрамон тимсолларини изоҳланишини англатибгина қолмай, асарнинг ғоявий-бадий хусусиятларини адабий эстетик таҳлил воситасида ўрганиши ҳам ўз ичига олади.

¹ Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. — Т.: «Фан», 2006. -18-6.

² Ниёзметова Р.Х Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганишнинг назарий методик асослари. / Док. дисс. - Т.: Низомийномидаги ТДПУ, 2007. -98-6.

Савол ва топшириқлар бадий асар, асар матнини ўрганишнинг энг тӯғри йўлларни беради. Савол ва топшириқлар тизимини яратиша бадий асарни бир бутунича таҳлил қилиш асосий қоидалар сифатида қаралади. Шунга кўра, асардаги образ персонаж характерини англашга йўналтирилган савол ва топшириқлардан кенг фойдаланиш, бир туркум савол-топшириқлар орқали ўқувчини бадий асар тилини ўрганишга сафарбар этиш, шунингдек, ўрганилаётган асарнинг жанр хусусиятини ҳисобга олиш зарур.

Маълумки, адабий таълим жараёнида ўқилган бадий асарлар юзасидан семинар-тренинглар, конференциялар ўтказиш, машқлар бажариш ўқувчининг олган билимларини янада мустаҳкамлайди. Семинар ва тренингларда ўқитувчи синфдагига нисбатан, ҳар бир ўқувчи билан кўпроқ муносабатда бўлади, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, маъруза билан бирга, машғулотни тадқиқот усулида уюштиради. Тадқиқот усулининг қўлланилиши уларда тадқиқотчилик кўникмасини ўстиради. Тренинг машғулотларида уюштириладиган сұхбат, мунозара турли характерда бўлиши, баъзан маърузанинг узвий қисми сифатида ўтказилиши мумкин.

Сұхбатда изланиш (эвристик) усулидан фойдаланиб, ўқувчиларга муаммоли топшириқ бериш орқали уларнинг изланишли фаолияти, билиш қобилияти ривожлантирилади ва шу йўл билан ўқилган бадий асарнинг самарали ўзлаштирилишига эришилади. Тренинг машғулотлардаги амалий ишлар, ўрганилганларини тақорорлаш характеристида бўлиб, ўқувчиларнинг аввал эгаллаган билимлари тақорорланади, умумлаштирилади ва мустаҳкамланади. Машғулот давомида ўқувчилар кичик ҳажмдаги мустақил ишларни ҳам бажаридилар. Бу жараёнда улар бадий асарни таҳлил қилиш, бадий асар матни, танқидий мақола ва илмий адабиётлар устида ишлайдилар, библиографиялар тузадилар. Бу эса, ўз навбатида уларда бадий асар устида ишлаш, адабиётлардан фойдаланиш усууларини эгаллаб боришларига ёрдам беради.

Тренинг машғулотларида амалий ишлар ўқувчилар гурухи ва якка ўқувчи билан замалга оширилади. Машғулотларда ҳар бир масала аниқ мақсад асосида ҳал қилинади. Семинар машғулоти ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмасини ўстиради, уларнинг ўзаро фикр алмашуви учун қулай шароит яратади. Семинар машғулотида ўқувчилар рефератлар ёзадилар, маъруза қиладилар, уни ўзаро муҳокама қиладилар, айрим муҳим муаммолар ҳақида сұхбатлашадилар, ўқитувчи кириш ёки якунловчи фикрни баён этади.

Маслаҳат, йўл-йўриқ шаклидаги семинар эса масалани ҳал қилиш, англаб олиш, айниқса, маъруза қиладиган ўқувчиларга катта ёрдам беради.

Факультатив машғулотларда олиб бориладиган барча иш турларида, асосан, ўқувчиларнинг ишни мустақил бажаришлари ва мустақил фикрлашларига эътибор берилади. Бу эса, ўз навбатида, таълимни индивидуаллаштиришни тақозо этади. Ўқитувчининг раҳбарлик роли ва масъулият ҳиссини ҳам оширади. Ўқувчилар бажарадиган мустақил ишнинг самарали бўлиши учун ўқитувчидан ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади. Ўқитувчи тренингларда сұхбат ва мунозаралар уюштиришдан олдин уларнинг мавзусини белгилайди, режаси, ўқувчиларга берадиган савол ва топшириқларни тузади, бажариладиган амалий ишларни аниқлаб олади, сұхбат ва мунозара мавзусига доир адабиётларни кўрсатиб, уларни ўқишини тавсия қиласди, шу билан бирга, ўқувчиларнинг илмий-танқидий манбалар билан мустақил ишлаш кўникмаларини эгаллашлари учун маслаҳат, йўл-йўриқ беради.

Бу маслаҳатдан асосий мақсад – ўқувчиларга ўқиган китоб ва мақолаларининг библиографиясини тузиш, улардан кўчирмалар олиш қоидалари, кутубхоналарда каталог, маълумотномалардан фойдаланиш, керакли китобларни танлаш, улардан конспект олиш, карточкалар тайёрлаш, маъруза матнларини ёзиш йўлларини тушунтиришдан иборат бўлади. Ўқувчилар тайёрлаган ишлар кўриб

чиқилади, мақсадга мувофиқлари маъқулланади, камчилиги бор бўлган иш эгаларига маслаҳатлар берилади. Шу йўл билан ўқувчиларда бу ишлар ҳақида тўлиқ тасаввур хосил қилинади, китоб билан ишлаш, ундан фойдаланиш кўникмаси ўстириб борилади.

Тренинг машғулотларида ҳам одатдаги дарслар каби асосий эътибор бадиий асар, уни таҳлил қилиш, яратилиш тарихи, образлар тизими, тасвир воситалари қаратилади, кўргазмали воситалардан фойдаланилади. Тренинг машғулотида қатнашувчиларнинг билими синф машғулотидаги каби баҳоланмайди. Уларнинг билими, фаолиятига қўйиладиган баҳо – ўқитувчи ва ўртоқларининг утайёрлаган ва қилган маърузалари, мавзуларни ўрганиш, мунозара ва сұхбатларда фаол иштироки учун билдирган самимий қутловлари ва табрик сўзларидир. Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича савол-топшириқлар устида ишланади.

Мутолаани ташхислашнинг қўйидаги жиҳатларини келтириш мумкин.

1. Берилган асарни қайта ҳикоялаш орқали мазмунини таҳлил қилиш. Бу машқни бажариш пайтида ўқувчилар аввал асар матни билан танишиб чиқадилар, сўнgra ўқитувчи ўқувчиларга саволлар бериб, уларнинг дикқатини сұхбатнинг мазмунига қаратади. Бунда у асосий эътиборни мулоқот иштирокчиларининг мақсадларини тушунтиришга қаратади. Бундан ташқари, ўқитувчи сұхбатдошларнинг ана шу мақсадларни амалга ошириш учун нутқни қандай тарзда тузишларига ҳам ўқувчиларнинг дикқатини тортишга ҳаракат қиласди. Асарнинг мазмунини таҳлил қилишни маълум даражада енгиллаштириш учун бундай машқни бошлаш олдидан ана шу сұхбат қандай вазиятда юзага келишини тушунтириб бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Ўзгалар нутқини кузатиш ва таҳлил қилиш асосида қайта ҳикоялаш. Бу машқни ташкил этишда замонавий овозни ёзиб олиш воситалари, жумладан, мобиъль телефонлардан фойдаланиш мумкин. Дарсда ўқитилиши керак бўлган матн санаб ўтилган аудиовоси-
ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2018, 11

таларга ёзиб олинади ва ўқувчиларга эшиттирилади. Матн бевосита ўқитувчи томонидан ҳам ифодали ўқиб берилиши мумкин. Бундай материаллар асосида ўтказиладиган машқ олдиdan болаларга нутқни кузатиш, унинг мазмунни ва шаклини таҳлил қилишга қаратилган маҳсус топшириқларни бериш лозим.

3. Ролли ўйинлар орқали қайта ҳикоялашни ташкил этиш. Ўрганилган матн саҳналаштирилади. Бу машқ қуидаги тартибда ўтказилади. Ўқувчилар матн мазмуни билан танишадилар. Ҳар бир ролни ижро этувчи ўқувчи танланади ва уларга йўриқномалар берилади. Шунинг учун машқ олдиdan ўқитувчи қисқача кириш сўзи ёрдамида ўқувчиларга умумий вазият, мулоқот ташкил этиладиган шарт-шароит, мулоқот иштирокчиларини тасвирлаб бериши лозим. Аммо ўйинни ўтказиш учун бундай кириш сўзининг ўзи кифоя қилмайди. Зеро, машқ жараёнида ҳар бир ўқувчи ўзининг ролини тўғри ижро этишини таъминлаш учун ўқувчиларга персонажалар ҳақида батафсил маълумот бериш ва асарни ўқиган бўлиши керак бўлади.

Адабий таълим методикаси илмининг бугунги замонавий талаблари бўйича ўқувчи у ёки бу хилдаги бадиий асарни ўқиш, тушуниш орқали мустақил фикр юритиш, мулоҳаза қилишни кундан-кунга ўрганиб боради. Бу ўз-ўзидан амалга ошмайди, албатта. Бола асар устида ишлашни билиши керак. Шунда унинг мустақил нуқтai назари шаклланади. Ўз-ўзидан маълумки, бу фазилат ўзгаларнинг ташқаридан берган маслаҳати маҳсули эмас, ўқувчининг кўп китоб мутолаа қилиши, мутолаанинг самараси ўлароқ ўз шахсий фикри, мустақил ўйлаши ва бир қарорга келишининг натижаси бўлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, адабий таълим жараёнида ўқувчи-ёшларнинг мутолаа маданиятини ташхис этиш ва корекциялашнинг замонавий жихатлари бўйича қўйидаги тавсияларни беришимиз мумкин:

- ўсмиirlar маънавияти тадрижий ривожланиб борувчи фаол жараён эканлигини эътиборга олган ҳолда, ўсмиirlar тарбиясига

масъул ижтимоий институтлар – оила, таълим муассасаси ва бошқалар уларнинг китобхонлик маданиятини мақсадли ва режалиравиша шакллантириб, ташхислаб боришлари лозим;

- таълим жараёнини дарсликлар, ўкуе қўлланмалари, шунингдек, ўсмир-ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган анъанавий ва замонавий манбалар билан таъминлашни йўлга қўйиш даркор;

- мутолаа маданиятининг негизида ахборот манбалари, яъни китоблар ва электрон маълумот базалари туришини назарда тутиб, таълим муассасасидаги кутубхоналар учун республикадаги етакчи кутубхоналарнинг фондларидан ҳамда электрон ресурсларидан электрон почта ва ички почта орқали фойдаланиш имкониятларини яратиш лозим;

- мактаб таълими, академик лицейларнинг ўкув режасига «Мутолаа маданияти», «Мутолаа психологияси» ва «Китоб мутолааси» номли қўшимча дарс соатларини киритиш мақсадга мувофик;

- республикамиздаги мактаб, академик лицейлар тизими шахсада мутолаа маданиятини мақсадли равиша шакллантиришда муҳим бўғин эканлигини эътиборга олиб, ахборот-ресурс марказлари (АРМ) ходимлари билан таълим жараёнининг педагогик жамоаси, шунингдек, ўқувчи-ёшларнинг оила аъзолари билан мутолаа маданиятини ошириш бўйича мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим;

- академик лицей ўқувчиларини АРМларига жалб қилишнинг янги шакл ва усулларидан, хусусан ўсмир-ёшлар психологиясидан келиб чиқсан ҳолда соҳада ижобий ютуқларга эришган замон қаҳрамонларининг эсдалилари, улар ҳақида ҳикоя қилувчи андроид китоблар ёки ҳужжатли фильмлар каби манбалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш керак¹.

¹ Абдулазизов А.. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида мутолаа маданиятини шакллантириш жараёнининг социологик таҳлили. / Соц. фан. номзоди дисс. - Т., 2010. -25-6.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш түфрисида»ги Ф-4789-сон фармойиши.
2. Абдулазизов А. Академик лицей ва касб-хунар коллажларида мутолаа маданиятини шакллантириш жараёнининг социологик таҳлили. / Соц. фан. номзоди дисс. – Т., 2010. –25-6.
3. Фаниева Д. Ўқув жараёнида кутубхоначи ва ўқув фанлари ўқитувчиларининг ҳамкорлиги. // Педагогика фан. номзоди дисс. – Т., 2008. –90-108-6.
4. Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишининг илмий-методик асослари. / Педагогика фан. доктори дисс. – Т., 1997. –256-6.
5. Машриқ замин – ҳикмат бўстони. / Таржимон, тўпловчи, маълумотнома ҳамда изоҳлар мўаллифлари: Ҳ.Ҳомидий ва М.Ҳасаний. Тўлд. 2-нашр. – Т.: «Шарқ», 2008. –464-б.
6. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва таомиллаштириш асослари. – Т.: «Фан», 2006. –18-6.
7. Нарзуллаев О. Китоб – миллатнинг маданий ва маънавий мероси. // muslim.uz.../2328-kitob-millatning-madanij-va-ma-navij-m
8. Ниёзметова Р.Х. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганишнинг назарий методик асослари. / Педагогика фан. доктори дисс. – Т., 2007. –14-51-6.
9. Умаров А. Мутолаа маданияти (Китоб инсон учунми ёки инсон китоб учун). // «Ҳаёт ва қонун» газетаси, 2004 йил, 6-сон.
10. Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. / Соц. фан. доктори дисс. – Т., 2005. –240-241-6.
11. Ҳусанбоева Қ.П. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишининг илмий-методик асослари. / Педагогика фан. доктори дисс. – Т., 2007. –262 -6.